

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил июль ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди, ўз биносида очик суд мажлисида;

раислик қилувчи М.Ғофуров

судья ёрдамчиси А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси Фарғона туман прокурори ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчининг ҳимоячиси адвокат Ш.Абдуразақованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан Джамолов Акмалжон Авазхоновични айблаш ҳақидаги 1-1502-2302/216-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Джамолов Акмалжон Авазхонович – 1983 йил 30 августда Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, Фарғона туман Хонқиз МФЙ Тинчлик кўчаси 7-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 5 июнь куни олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи А.Джамолов 2023 йил 13 апрель куни тахминан соат 12-30 ларда яшаш хонадонига келган укаси А.Джамоловнинг қайноғаси Ў.Хасанхонов билан бир ой олдин бўлиб ўтган оилавий жанжал сабаб ўзаро тортишиб қолиб, жahl устида Ў.Хасановни юз ва кўкрак қисмига қўллари билан уриб тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2023 йил 25 апрелдаги 2157-сонли хулосасида, Ў.Хасанхоновни кўкрак қафаси чап томондан 8-9 қовурғалари синиши ва атроф юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, чап ёноқ соҳасида конталаш аниқланганлиги, ушбу тан жароҳатлари қаттиқ ўтмас жисмларнинг зарб, қисилиш, чўзилиш механизмлари таъсирида етказилган бўлиб, бу тан жароҳатлар 21 кундан кўп муддатга соғлиғини бузилишга сабабчи бўлган ўртача оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.



Судланувчи А.Джамолов судда эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил декабрь ойида ишлаш учун Россияга кетганлигини, 2023 йил 10 март куни турмуш ўртоғи қўнғироқ қилиб, укаси А.Джамоловни турмуш ўртоғи Умидахон, акаси Ўктам ва уни опалари уйларига келиб уриб кўзларини кўкартириб юборишганлигини айтганлиги сабабли 2023 йил 18 март куни Россиядан қайтиб келганлигини, улар ўзаро ярашиб олишганлиги сабабли чора кўрилмаганлигини, 2023 йил 13 апрель куни тахминан соат 12-30 ларда яшаш хонадонига укаси А.Джамоловнинг қайноғаси Ў.Хасанхонов иш билан келиб қолганлиги сабабли уни бир ойдин турмуш ўртоғини урганлиги ёдига тушиб, жahl устида уни уриб юборганлигини, кейин ўзаро жанжаллашишганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, Ў.Хасанхоновдан кечирим сўрашини, адашганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ў.Хасанов судда, ҳақиқатдан ҳам судланувчи А.Джамолов опаси Умидахонни қайноғаси бўлишини, 2023 йил 13 апрель куни тахминан соат 12-30 ларда жиянларини ташлаш учун уларни уйига борганида А.Джамолов кўчада кутиб олиб, бир ой олдин синглиси ва уни турмуш ўртоғи ўртасида бўлиб ўтган жанжални эслатиб юз ва кўкрак қисмларига уриб юборганлигини, натижада тан жароҳати олиб даволаниб чиққанлигини, А.Джамоловни кечирмаслигини ва у билан ярашмаслигини, моддий зарар бўйича даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Б.Ғофуржонов судда, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 13 апрель куни тахминан соат 12-30 ларда А.Джамолов ва уни укаси А.Джамоловни қайноғаси Ў.Хасанхоновлар ўзаро тортишиб уришиб кетишганлигини, А.Джамолов уни юз ва кўкрак қисмларига уриб юборганлигини, кейин уларни ажратиб қўйишганлигини билдирди.

Судланувчи А.Джамоловни содир этган жиноий ҳаракати айбловга тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишидаги хабарнома, экспертиза хулосаси, тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг суриштирув ва суддаги кўрсатувлари ҳамда судда текширилган ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Судланувчи А.Джамолов жабрланувчи Ў.Хасанхоновни қўллари билан қасдан уриб унга ўртача оғирликдаги шикаст етказишида ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят кодекси махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан



хам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим” деб кўрсатилган.

Суд, А.Джамоловга жазо тайинлашда юқоридаги Пленум қарори тушунтиришига риоя қилиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганлиги инobatга олиб, оилавий шароитини, жабрланувчининг даъвоси мавжудлигини инobatга олиб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Джамолов Акмалжон Авазхонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Джамолов Акмалжон Авазхоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгиланган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш ва назорати Фарғона туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Джамоловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

М.Ғофуров

нусхаси аслига тўғри

